



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАККИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН • № 226 (8966).
ЧИҚА БОШЛАГАН

• 1986 йил 28 ноябрь • жума • Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ

ДЕҲЛИ. 26 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Деҳлида Совет—Ҳиндистон музокаралари давом эттирилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан Ҳиндистон Бош вазири Ражив Ганди холи ўтириб, чуқур ҳамжиҳатлик, бир-бирларининг позициялари ва қарашларига ҳур-

мат вазиятида уруш ва тинчлик, Осиё-Тинч океани хавфсизлиги проблемаларини, Совет—Ҳиндистон муносабатларининг ҳамма жиҳатларини, жумладан иккала мамлакат ҳозирги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда бу муносабатларни янада ривожлантириш имкониятларини ҳар томонлама, муҳокама қилдилар.

Шу куну КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе Ҳиндистон ташқи ишлар министри Н. Д. Тивари билан учрашди. Дўстона суҳбат чоғида Совет—Ҳиндистон муносабатлари масалалари, шунинг-

дек, жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турган айрим ақтуал халқаро проблемалар ва регионал можааролар ҳусусида батафсил фикрлашиб олинди. Совет ва Ҳиндистон делегацияларининг бошқа аъзолари ўз компетенцияларига оид масалаларни муҳокама қилдилар.

КЕЛАЖАК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

ДЕҲЛИ. 27 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Қўшма декларациялар, программа-лар битимлар қабул қилинганлиги аниқлиниги йқунди. Шу босмдан ҳам бугун Совет—Ҳиндистон ҳужжатларини имзолаш маросими ўтказилган. Президент Бхаван деб аталувчи Президент саройида ғоят тантанали ва ҳаяжонли вазият ҳукм сурди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Ҳиндистон Бош вазири Ражив Ганди ядро қуролидан холи ва зўравонликдан халос дунё

принциплари тўғрисидаги Деҳли Декларациясига имзо қечдилар.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе билан Ҳиндистон одам ресурслари министри П. В. Нарасимха Рао 1987—1988 йилларда Ҳиндистонда СССР фестиваллари ва СССРда Ҳиндистон фестиваллари ўтказиш программалари ва шартлари тўғрисидаги протоколни имзоладилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси

ўртасидаги консуллик конвенциясига Э. А. Шеварднадзе билан Ҳиндистон ташқи ишлар министри Н. Д. Тивари имзо қўйдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев ва Н. Д. Тивари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш вақтида КПСС Марказий Комитети секретари А. Ф. Добринин, Ҳиндистон ҳуку-

матининг аъзолари, Совет Иттифоқининг ва Ҳиндистон-лик бошқа расмий кишилар ҳозир бўдилар.

Совет—Ҳиндистон ҳужжатларини имзолаш тантанали маросими тугади. Янги ҳолис янги ишлари, зўр сийёсий аҳамиятта молик ишлар шу бутунқўш бутун дунёга маълум бўлади. Бу ҳужжатларда Деҳлида асос солинган бўлса-да, аммо улар СССР билан Ҳиндистоннинг ҳамкорлиги учун ҳам, шунингдек бутун Ер юзидати халқаро индими соғломлаштириш учун ҳам баб-баравар муҳимдир.



Ҳужжатни имзолаш пайти.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.)

ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ХАЛОС ДУНЁНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ ТЎҒРИСИДА ДЕҲЛИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ҳозир инсоният ўз тарихининг ҳал қилувчи бурилиш босқичида турибди. Ядро қуроли инсон асрлар давомида бунёд этган ҳамма нарсанинг асоси, шу билан бирга инсоннинг ўзини ва ҳатто Ер юзидати ҳаётини йўқ қилиб ташлаш хавфини соқмоқда. Ядро даврида инсоният янги сийёсий мушохадда, инсониятнинг омон қилинишига ишончи кафолат берадиган янги тинчлик концепциясини ишлаб чиқиши керак. Одамлар тагин ҳам хавф-хатарсиз ва янада адолатли дунёда яшашни хоҳлайдилар. Инсоният ядро даҳшати ва ноҳилликни тўғрисида бўлишдан кўра яхшироқ қисматга муносибдир. Дунёда вужудга келган вазиятни ўзгартириш ва ядро қуролидан холи, зўравонлик ва нафратдан, қўрқув ва гумонсиранишдан халос дунёни барпо этиш лозим.

Бизга мерос бўлиб қолган дунё ҳозирги ва келажак авлодлариникидир, бу эса умумбашарий қадриятлар устуни қўйилишини талаб қилади. Ҳар бир халқнинг ва ҳар бир инсоннинг яшаш, озодлиги, тинчлиги ва бахт-саодатга интилиш ҳуқуқи ҳам тан олинган керак. Куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан дўш қилишдан воз кечиш зарур. Ҳар бир халқнинг ўз соқил, сийёсий, мафкуравий йўлини ҳан таллаб олиш ҳуқуқи ҳурмат қилиниши керак. Бир ҳил мамлакатларнинг иккинчи ҳил мамлакатлардан устунилигини қўзғовчи сийёсат рад қилиниши лозим. Ядро-вий аслахоналарнинг қўлайлиги, космик қуроолларнинг ишлаб чиқиши ядро уруши ҳеч қачон бошланмаслиги тўғрисида унда ғолиблар бўлиши мумкин эмас, деб ҳамма эътифоз қилган ишончга пўтур етказилади.

Биз икки дўст мамлакатимизнинг бутун инсониятнинг беҳшадан бир қисмини ташкил этадиган бир миллиондан кўпроқ эркаклар, аёллари ва болалари номидан барча мамлакатларнинг халқларига ва раҳбарларига мурожаат этиб, бизни оммавий қирғин қуролиси, урушларсиз дунёга мушарраф этиши лозим бўлган энг зарур ҳаракатларни қилишга чақирамиз.

Биз ўз мамлакатларимиз ва бутун инсониятнинг тақдирини учун муштарак масъулиятимизни чуқур англаб, ядро қуролидан холи ва зўравонликдан халос дунёни барпо этишнинг қўйидаги принципларини тақлиф қиламиз.

1. Тинч-тотув яшаш халқаро муносабатларнинг универсал нормаси бўлиб қолши керак:

Ядро асрида халқаро муносабатлар шу тарзда қайта қурилиши зарурки, муҳолифлик ўрнини ҳамкорлик ола-

диган бўлсин, можаароли вазиятлар ҳарбий воситалар билан эмас, балки тинч сийёсий воситалар билан ҳал этилсин.

2. Инсоннинг ҳаёти олий қадрият деб тан олинши керак:

Тинчлик шароитида инсоннинг ижодий даҳоси билан, гина тараққиёт ва цивилизациянинг ривожланиши таъминланади.

3. Куч ишлатмаслик инсоният ҳамжамияти ҳаётининг асоси бўлиши керак:

Зўравонлик ва қўчатиш, тенгсизлик ва зулим асосига, ирқий ва диний белгиларга ёки танасининг рангига кўра камситиш асосига қурилган фалсафа ва сийёсат ғайри ахлоқий бўлиб, уларга йўл қўйиб бўлмайди, бундай фалсафа ва сийёсат муросасизлик руҳини тугдиради, инсоннинг қадриятларини инкор қилади.

4. Қўрқув ва гумонсираниш ўрнини ҳамжиҳатлик ва ишонч олиши керак:

Мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ишонсизлик, қўрқув ва гумонсираниш реал дунёни нотўғри идрок этишга олиб келади. Улар кескинлигини вужудга келтиради ва пировард натижада бутун халқаро ҳамжамиятга зийн-хатун етказилади.

5. Ҳар бир давлатнинг сийёсий ва иқтисодий мустақиллиги ҳуқуқи тан олинши ва ҳурмат қилиниши лозим:

Барча давлатлар учун иқтисодий адолат ва тенг сийёсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида дунёда янги тартиб ўрнатиш зарур. Қуроолнинг пойгазини тўхтатиш шундай тартиб ўрнатиш учун зарур шартдир.

6. Қуроолдан холи ва зўравонликдан халос дунё қуроолсизлик тараққиётини таъминлашга ишлатилиши керак:

Фақат қуроолсизланишга иқтисодий қолқонликка ва қашшоқликка қарши курашиш учун зарур бўлган жуда катта қўшимча ресурсларни бўшатиб бериши мумкин.

7. Шахсининг ҳар томонлама камол топиши учун шартлоллар таъминлаб берилиши лозим:

Шахсини ҳар томонлама камол топтириш мақсадида етилган гуманитар муаммоларини ҳал этиш учун барча мамлакатлар биргаликда ишловларни ҳамда маданият, санъат, фан, маориф ва медицина соҳасида ҳамкорлик қилишлари керак. Ядро қуролиси ва зўравонликсиз дунё бунинг учун улкан истиқболлар очади.

8. Инсониятнинг моддий ва интеллектуал имкониятлари жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишга хизмат қилиши керак:

Озин-оқат, демография, саводсизлигини тугатиш, ёр ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан атроф-муҳитни сақлаб қолиш сингари жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиш йўллари топиш зарур. Дунё океани ва денгизларнинг тўби, шунингдек, космик фазо инсониятнинг муштарак мулкидир. Қуроолнинг пойгазини тўхтатиш шу мақсадга эришиш учун энг яхши шароитларни яратлади.

9. «Қўрқув мувозанати» ўрнини ялпи халқаро хавфсизлик олиши керак:

Дунё яхлит, унинг хавфсизлиги эса бўлимасдир. Ғарб ва шарқ, шимол ва жануб, иқтимоий системалардан, мафкуралар, динлар ва ирқлардан қатъи назар, қуроолсизланишга ва тараққиётга ялли садоқат йўлида бирлашиши лозим.

Халқаро хавфсизлик контрол қилишининг имкони бўлган ва келишиб олинган ҳамма воситаларидан фойдаланиб, ядро-вий қуроолсизланиш соҳасида қуриладиган комплекс тадбирлар ва ишонч тадбирлари йўли билан; тинч музокаралар йўли билан ҳамда сийёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик йўли билан регионал масалаларни одилона сийёсий бартараф этиш орқали таъминланиши мумкин.

10. Ядро қуролидан холи ва зўравонликдан халос дунё қуроолсизланишга қаратилган конкрет ва энг зарур тадбирлар талаб қилади:

Унга:

- ядро аслахоналарини шу асрнинг охиригача бутунлай йўқ қилиб ташлаш;
- инсониятнинг муштарак мулки бўлган космосга ҳар қандай қуроол чиқарилишига йўл қўймаслик;
- ядро қуроли синовларини бутунлай тақиқлаш;

М. ГОРБАЧЕВ

Совет Иттифоқи Коммунистик
партияси Марказий Комитетининг
Бош секретари

Нью-Деҳли, 1986 йил 27 ноябрь.

Р. ГАНДИ

Ҳиндистон Республикасининг
Бош вазири

ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК—ҲАММАНИНГ ИШИ

ҲИНДИСТОН ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

ДЕҲЛИ. 27 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун куннинг иккинчи ярмида М. С. Горбачев Ҳиндистон парламентида Ҳиндистон Республикасининг парламентининг ҳар икки палатаси — Халқ палатаси ва Штатлар кенгаши аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Ҳиндистон Бош вазири Р. Ганди, совет томонидан Э. А. Шеварднадзе, А. Ф. Добринин қатнашдилар.

Ҳиндистон вице-президенти, Штатлар кенгашининг раиси Р. Венкатарамаи парламент аъзолари номидан совет раҳбарини табриклиди.

Ҳиндистон деди у, сизнинг буюк раҳбарингиз В. И. Ленин Ҳиндистоннинг озодлиги учун курашишга кўрсатган мададиди ҳурмат билан аслайди. Бизнинг совет халқига қойил қилишимиз сизнинг революциянгиз давридан бошланган. 1930 йилда Совет Иттифоқида бўлган бизнинг улғў шoirимиз Рабиндранат Тагор револю-

циянгизни «Янги давр» деб атаган эди. Бизнинг севимли Бош министримиз Жаваҳарлал Неру мамлакатингизга ташриф буюрганда, сизнинг планли экономикангиз унда катта таассурот қолдирган эди. Неру, унинг адолат туйғуси ва тарихни ҳис этиш туйғуси айтиб берганидек, Совет Иттифоқида бизнинг Ҳиндистонимизда ўрганиш зарур бўлган жа-раён юз бераётганлигини кўрдик.

Шу ерда, Ҳиндистон парламентида ҳозир бўлганларда Совет Иттифоқидан Ҳиндистонга парламент делегациялари мунтазам келиб турганлиги ҳамда бизнинг парламент аъзоларимизнинг ана шундай делегациялари Совет Иттифоқида бораётганлиги факти алоҳида мамнуният уйғотмоқда. Делегацияларнинг бир-бирига бундай бориб туриши халқларимиз ўртасидаги дўстлик ринтларини мустаҳкамлайди ва бизни бир-биримизнинг социал-сий

структурамиз тўғрисидаги билимлар билан бойитади. Умуман, деди вице-президент, Ҳиндистон—Совет иқтисодий ҳамкорлиги нодир ва тақлид қилишга муносиб достондир. Бу ҳамкорлик бир-бирини ўзаро ҳурмат қилиш принциплари асосланган бўлиб, ҳеч қандай шартлар билан боғланмаган. У 1971 йилда икки мамлакат ўртасида имзоланган тинчлик ва дўстлик тўғрисидаги шартномага юксак баҳо бериб, бу шартнома чинакам тарихий воқеа бўлганлигини таъкидлади. Бу шартнома қудратли Волга дарёсининг муқаддас Ганг дарёсидан рағзий қўшилишини ифодалайди.

Мен Жаваҳарлал Нерунинг сўзларини эслаб ўтмоқчиман. У бундай деган эди: «Совет Иттифоқи бизга кўп қимматли совға ҳада этди, лекин энг қимматли совғаси — бу дўстликдир».

Учрашувда М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Ҳурматли вице-президент жаноблари! Ҳурматли Бош министр! Ҳурматли жаноб спикер! Ҳурматли парламент аъзолари! Мен Ҳиндистоннинг асосий минбаридан гапириш шарафига муяссар бўлдим. Бу минбар Жаваҳарлал Неру, Индира Ганди ва ҳинд халқининг бошқа улғў вакилларини эслайди.

Бир неча ўн йилдан буён шу ердан янграётган зўравонлик қилмаслик ва тинчлик вазятлари инсоният онгида мамлакатнинг ўзига, унинг қадимий халқининг ҳаётий фалсафасига ўхшатишмоқда.

Мен бу ерда сизларга биз дунёни қандай тасаввур этаётганимиз ва қўраётганимиз ҳақида, уни сизнинг мамлакатларингиз озу ва умидлари билан бириштириб, ўз Ватаним номидан сўзлаб бермоқчиман. Мен бизнинг иккала халқимиз учун бир хилда қадр-

ли бўлган нарсалар ҳақида, уларни баб-баравар ташвишга солаётган нарсалар ҳусусида гапирмоқчиман. Улар, бизнинг икки буюк миллимиз инсониятнинг каттагина қисмини ташкил этиши сабабидан мана шу минбардан айтилган гаплар Ҳиндистондан ташқарида ҳам эшитилишига ишонгим келади.

СССР билан Ҳиндистоннинг бəҳамжияҳат ҳаракатлари ва ҳамкорлиги жаҳон сийёсатининг салмоқли омил бўлиб, халқаро муносабатлар системасида бунёдкорлик ролини бажармоқда.

Ҳозирги замоннинг асосий проблемалари ҳусусида Совет Иттифоқи билан буюк Ҳиндистон позицияларининг яқинлиги, уларнинг тинчлик ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка, қуроолсизланиш ва ядро урушининг олдини олиш ишига содиқлиги шубҳасиздир. Яна шу нарсаси ҳам шубҳасизки, инсоният учун ташвишли бўлган мана шу дақиқаларда биз Ер юзидати халқларини ядро қиёматидан қутқариб қолиш йўлида, ўз ҳукмининг

ўтказиш ва зўравонликка ўрин қолмайдиган ҳамда ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини ўзи эркин танлаб оладиган тартиб ўрнатишга дунё йўлида ҳормай-толмай ишлашга азму қароримиз ҳам баб-баравар даражададир.

Биз янгича сийёсий фикрлаш, деб атаётган нарсаларнинг кўпи айти Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг мулоқотида халқаро муносабатлар практикасида биринчи марта пайдо бўлганлиги шахсан мен учун мутлақо равшандир.

Бизнинг мулоқотимизда ижтимоий-сийёсий тузулмдаги тафовутлар, мафкуравий, миллий, маданий ва бошқа ўзига хос хусусиятлар ҳалатид бириктирилган ҳам бошқалар учун йўл кўрсатувчи намуна сифатида ғоят муҳимдир.

Ҳар бир халқ ва ҳар бир мамлакат ўз миллий ғурурига, ўз қадриятлари ва манфаатларига заррача эиған етказмаган ҳолда бугун уларни асосий мақсадга эришиш—умумбашарий цивилиза-

цияни сақлаб қолишга йўналишга олишга мажбурдирлар.

Бу ҳусусда фикрларимиз бир хил, деб ўйлайман. Шу ўринда мен мамнуният билан ҳинд халқининг «Ҳақиқат дўстлари» жипслаштириладеган доно нақлин келтириб ўтаман. Давримиз ҳақиқати, ҳамма учун баб-баравар хавфсизлик йўлидаги мусталият тўғрисидаги ҳақиқат бизни ҳар қачонгидан ҳам жипслаштирмоқда. Ядро-космик асри сийёсий мансублиги ва идеологик эътиқодидан, қайси динга мансублигидан ва бошқа тафовутлардан қатъи назар, ҳаммамиз бутун инсоният учун ягона бўлган омон қолиш ва шунга мувофиқ ҳаракат қилиш проблемаси тўғрисида ўйлашга мажбур қилмоқда.

Бизнинг ишончимиз ана шу равшанликка асосланади. Ҳозирча у баъзи давлатларнинг раҳбарлари учун унчалик шубҳасиз бўлмасда, бу бизни зарасимага солмайди. Улар эртами-кечми ма-

на шу ҳақиқат, шу реаллик билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Бутун проблема шундан, уларнинг қўзи вақт ўтганидан кейин очилмаслиги лозим.

Бизнинг ақлодларимиз ўз Ватанини Ҳиндистоннинг руҳияти ва ақл-заковати хазинасидан баҳраманд этиш учун «Уч денгиз оша саёҳат» қилганлар.

Бутун биз кўп қиррали икки томонлама ҳамкорлигимиз принципларини мустаҳкамлаш ва унинг янги истиқболларини очиш учун Ҳиндистонга келдик.

Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги янги шартнома имзоладиган бу шартнома Совет—Ҳиндистон муносабатлари тарихидаги энг катта шартномадир.

Ҳиндистоннинг раҳбарлари билан биргаликда тинчликни олий умумбашарий қадрият сифатида тўшу-нишни қарор топтиришга ана бир бор қўмақлаштиш учун биз ерга келдик.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН

Тошкент шаҳридаги 24-мактаб Ҳиндистоннинг севимли фарзанди, таълим ва ҳаёт арбоби марҳум Лал Бахадур Шастри номи билан аталади. Бу ерда бир неча йиллардан буён ўқувчи...



«ТОШКЕНТ — МЕНИНГ ИККИНЧИ ВАТАНИМ»

Мадраас шахримга ўхшаган бу гузал шаҳарда ҳаётимда энг унутмас воқеалар юз берди. Мен Тошкентда врачлик дипломининг олган биринчи Ҳинд студенти эдим. Бу ерда клиник ординатура тугатдим ва менга Тошкент туғруқхоналарида ўз билимларимни амалда такомиллаштириш имконияти берилди. Кейинчалик акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институтини мутахассислари раҳбарлигида илмий иш билан шуғулландим. Булажак турмуш ўртоғимни...

дидлар — қўшиқларимизни севиниб ва қўйлашди, мактабларда Ҳинд тилини ўрганишди. Кинотеатрларда янги Ҳинд фильми кўрсатилса, билет топиш қийин бўлиб кетади. — «Тошкент менинг иккинчи ватаним» — Тошкент медицина институтини битирган калыкутталик Велла Сатья Прасад Ҳиндистонда нашр этилган китобини ана шундай деб атади. — Мен бу сўзларни Ҳиндистонда тез-тез такрорлайман ва Тошкентга ана келиш имкониятини сабрсизлик билан кутаман, — деди Мруналини Шарма.

И. ГРЕБЕНЮК, УТАГ мухбири.

ДАВРИМИЗГА МУНОСИБ

ҚЎШ КЕЛИН ТУШДИ

ПЕНСИОНЕР йўлдош-бой Рўзиматов икки ўғил — Умарали билан Шералини бир кунда уйлантиради. Оғилларда қатъий қарорга келишгач аввал маҳалла активлари билан маслаҳатлашди. Мақсади маълум бўлгач, Зарент қишлоқ Совети ижроия комитетига учрашди. Фикрини у ерда ҳам қўллаб-қувватлашди. Хуллас, тўй бошланди. Кечқурун шифокор хонадонига қўш келин қўйилди. Қўйлар — Умарали ва Шерали, келинлар — Гулнора ва Роҳида Рўзиматовлар давра туридан жой олишгач, қишлоқ оқсоқолининг муовини Жўра Мусаев тўй кечасини очиб, келин-келиндарга ЗАГС гувоҳномасини шу ернинг ўзига топширди. Қишлоқнинг обрўли аёлларидан бири, кенас жомунист Ширин ая Қўрбонова янги оила қўраётган ёшларни табриқлаб, уларга бахт, тоғулик тилади. Тўйхонага таширив буюр-ганлар келин-келиндарни қарсақлар билан олқинишди. Қишлоқ хаваскорлари ёқими куй билан бозм кечасини бошлаб бердилар. Тўй дасвоя турхонига фақат ширали ичимликлар ва меърида таом тортиди. Базм кечаси ортиқча дабдаба ва исрофгарчиликсиз ўтди.

Рўзиматовлар хонадонидagi янгича тўй ҳаммага маълум бўлди. Кўпчилик арақ-виносиз, қўша-қўша овқатсиз, номдор санъаткорларнинг вақтини пойламай ҳам ширингина тўй қилса бўлар экан-ку, деган ҳуқуққа эга келин Маҳалла активлари бундан буюн тўй ва бошқа маросимларни ортиқча сарф-харажасиз ширингина ўтказишга қарор қилди.

Т. НИШОНОВ, Паркент райони.

РАИСА ҲАҚИДА ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

КОЛХОЗ ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси, ларидан бири Мария Пута-чевани бугунги кунда кўпчилик яхши танийди. Бу тадбиркор аёл бир неча йиллардан бери Ороқчиқизда районидagi «Маданият» кол-

хозига ранслик қилиб кел-моқда. Шу давр мобайнида хўжалик ҳаётида кўпгина ўзгаришлар бўлиб берибди; бир қатор маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди, колхозчилар ўртасида қардошлиқ ва биродар-

лик муносабатлари янада мустаҳкамланди. Яқинда Ўзбекистон ССР Илмий-омма-боп ва хўжалик фильмлар студияси томонидан суратга олинган «Маша, Мария, Марям опа» деб номланган янги хўжалик фильми ана шу жафокан аёлга бағишланди. Фильм режиссёр Ш. Махмудов раҳбарлигида лентага туширилди.

С. ОДИЛОВА.

СПОРТ • СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

БИР ТҮП ЕТАРМИКНИ?

УЕФА кубоги мусобақаларида қатнашётган Москва спортклублари ўтган кун Симферополда нимкорак финалида Австриянинг «Саварски Тироль» клубини қабул қилишди. Уйни нисбатан кескин ўтди. 26-минутда Рудакос ҳисоби оғди. 41-минутда меҳмонлар ўз жарима майдонларидан уйни қондасини бузишди ва бунинг учун ўн бир минглик жарима тўли билан жазоланишди. Лекин Новиков бу имкониятдан фойдалана олмади.

Спортчилар иккинчи бўлимида қатъий ҳаракат қи-

лишмасини, бошқа тўп кирита олмадилар. Рудакоснинг ягона тўпи умумий жаҳонда таъмин-лай олмади, йўқми? Бу саволга икки ҳафтадан кейин бўладиган такрор учрашув жавоб беради.

КУБОК ҲИНОЛРИ

Академик эшак эшиш бўйича республика кубоги мусобақалари Бекободда бўлиб ўтди. Икки километрга шахсий бексда Тошкент облатининг «Меҳнат» жамоати вакили Виктор

Девин голлиб келди. Шу масофага аёллар ўртасидаги мусобақада самарқандлик Наталья Елизарова биринчи бўлди. Команда ҳисобида ўринлар қури-идагина тақсимланди: Фаргона, Самарқанд, Тошкент.

МАГЛУБИЯТ ВА ДУРАНГ

«Бинокор» хоккейчилари навбатдаги учрашувларини Қарағанд шаҳрида «Автомобилист» командаси билан ўтказдилар. Биринчи ўйинда меҳдон эгалари 6:4 ҳисобида устун келишди, такрор учрашув эса 4:4 ҳисобида дуранг бўлиб аяқланди.

ХОТИРАСИ КУЧЛИ ҚИЗ

Хитойнинг Харбин шаҳрида истиқомат қилувчи 26 йшли телефонист қиз Гоу Янлини маълумотда 10 та шахарнинг 15 минг телефон номерини ёддан билади. Яқинда Пекинда мингдан ортиқ кишилик аудиторияда у тўплаганларни кўз-қотириб саволларга жавоб бериб, ўзининг моёв қобилиятини намойиш қилди. Гоу Янли бу натижани янада ошириш мумкин деб ҳисоблайди. У эсаё қолган номерлари сонини бир йилдан сўнг 18 мингга етказмоқчи.

ПАРИЖ ОСТИДА НЕФТ

Франциянинг «Элф-Акитен» нефть корпорацияси Париж территориясида нефть қони қидириш юзасидан қатта қўлмалли кампанияни бошлаб юборди. Франция пойтахтида фойдаланиш қазилмани резеда қилиш махсус аппаратлар билан ёрдамида олиб борилади. Бу нефть қонини бурғилаб қовламасдан топиш имконини беради. Корпорация маъмурияти тажриба сифатида бурғиланган ишларини келгуси йил бошлашни режалаштирмоқда.

Парижга туташган департаментларда эса нефть ахтариш ишлари тўрт йилдан буён олиб борилапти. Ҳозир бу

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕХНАТ БЎЛИМИ

қурилиш қўтисига эга бўлган ёлғиз эркак ва аёлларнинг ҳам-да бошқа касб кншларнинг РСФСРда жойлашган корхона ва қурилишларга

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Камгэсэнергострой» ишлаб чиқариш бирлашмасига — Брежнев шаҳри. «Дальметаллургстрой» трестига — Приморье ўлкаси, Даль-негорск посёлкиси. 8-қурилиш трестига — Владивосток шаҳри. «Тюменьэнергострой» трестига — Тюмень шаҳри. Бурейск ГЭСи қурилиш бошқармасига — Бурейск шаҳри. «Хаксэс» ишлаб чиқариш бирлашмасига — Усть-Абакан посёлкиси. Красноярск ёғоч оқизиш комбинатига — Красноярск шаҳри. «Томлеспром» ишлаб чиқариш бирлашмасига — Томск шаҳри. «Ургалбамтрансстрой» трестига — Ургал шаҳри. «Главспецстрой» трестига — Туапсе шаҳри. «Черкасспромстрой» комбинатига — Черкасск шаҳри. «Донецкстрой» комбинатига — Донецк шаҳри. «Житомирпромстрой» — Житомир шаҳри. «Сумпромстрой» қурилиш-монтаж бошқармасига — Суми шаҳри. «Днепрометаллургстрой» комбинатига — Днепропетровск шаҳри. Шарнома муддати — 2 йил, мавсумий ишлар муддати эса — 6 ой. Ташкилий равишда ишга жўнаб кетаётганларга суткалик ҳақ, иш жойига етиб бориш ва қайтиш йўл харажатлари тўланади, қайтиб олмаклик шарти билан пул ёрдами кўрсатилади. Ташкилий равишда иш жойига етиб келганлар шинам ва қулай ётоқхоналар билан таъминланадилар. Справкалар учун қўйидаги адресларга мурожаат қилинсин: Ангрен, Олмалик, Чирчик, Бекобод, Янгийўл шаҳарларида — ишга жойлаштириш бюросларига, район марказларида эса — меҳнат бўйича шаҳар ва район вакилларига, Тошкент шаҳрида — Привокзальный кўчаси, 30-йил. (1,2,5,8,9,10,24,26-трамвайларнинг «бўдённий кўчаси» 23,16,22,60,80-автотўловларнинг «Вокзал» бекетлари). Телефон 55-74-76.

ҲИНОЧОҚЛАР — БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ


«БОЛА ҲИНОЧОҚЛАР ОЛАМИДА ЯШАСА, УНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ БАРАКАМОН БЎЛАДИ», — ДЕГАН ЭДИ В. А. СУХОМИЛСКИЙ. Ҳиночоқлар билан машғул бўлиш болаларда фойдали кў-никма ҳосил қилиб, улар фикр доирасини кенгайтиради. Болаларда яхшилик ва нафосат, ғамхўрлик ва садоқат, одамлар ва ҳайвонларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш хис-латларини унғота оладиган Ҳиночоқлар энг бебаҳо Ҳиноч-лар ҳисобланади.



«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

ҚОРОНҒУДА ҲАМ СУРАТ ОЛАДИ

Агарда ЭЛЕКТРОН ЕРИТГИЧ ишлатилса ҳатто кеча-си, қоронғуликда ҳам тинч сурат олиш мумкин. Бир дақиқада қўш нуридек ёрқин чарақловчи (худди шу асоснинг спектрал нури тартиби табиий ёруғликка яқинлашиб боради) еритгич қоронғуликда суратга олин-адиган жойни яққол ёриштирилади ҳамда оқ-қора ва рангли фотоплёнкага сурат тушириш имконини беради. Электрон еритгич 220 вольтли ўзарувчан кучланишли ток тармоғи ва ПН-70 типидagi кўча кучланиш ҳосил қилувчи батареядан ҳам қувват олиб ишлайди.



«ЭЛЕКТРОНИКА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ. «СОЮЗТОРРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Театр Цирк

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/ХІ да Куев, 29/ХІ да Келинлар кўзғолони. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ленинград цирки артиста-рининг гастроллари (19.30).

ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Шанба ва яқшанба-ҳамма «Ором»га

ОҚҚЎРҒОН район меҳнаткашлари шанба ва яқшанба кўни бўш пайтларини «Ором» дам олиш зона-сида ўтказишни хуш қўри-шади. Бу ерда турли Ҳино-қлар, кўнгалар, танқиди ки-шилар билан қизиқарли уч-рашувлар ўтказиб турилади. Кейинги кўндаларда бу ерда Гуломжон Эргашев раҳбар-лигидаги «Ором» клуби ком-сомол мукофоти лауреати «Дилнаво» ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари то-монидан қўйиб берилган қат-тор концерт программалари кўпчилигини эътиборига туши. Шунингдек «Бали, қизлар», «Бўш келманг йи-гитлар» концертлари, ўткир эҳдиқилар мушораси ўтқа-зиш яхши аътабча айланди. Район маданият уйи хо-димлари келгусида барча касб эгаларининг аътабавий байрамларини ҳам «Ором»да ўтказишга аҳд қилишди.

Б. ЭРГАШЕВ.

ЖАМОАТЧИ ИНСТРУКТОРЛАР

Мана бир неча йилдирки, Чиноз ёш техниклар станция-сида жамоатчи инструкторлар групписи фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар турли соҳа кишиларидан иборат аяма мо-делизм ишқибозлари билан мунтазам шуғулланиб келиш-моқда. Чиноз қурилиш мате-риаллари ва лойқаблари ком-бинати ишчиси А. Сердюков, Тошкент аэропортининг авиа-ция алоқаси инжениери Г. Тю-люпа, самолётсоз Р. Гаскоров-ларнинг номларини ҳаваскор-лар ҳурмат билан тилга олиш-ди. Улар нафақат моделизм турларини ўргатиш, балки жа-моатчи инструкторлар тайёр-лашда ҳам номбозлиб кўрсат-моқдалар. Шу сабабли 1986 йилда жамоатчи инструктор-лар сафи икки баравар ортди.

А. РАҲИМОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИДА

ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚАБУЛИ

ЎТГАН чоршанба кўни «Тош-кент Ҳақиқати» газета редак-цияси ҳузурида ҳуқуқ, соци-алистик қонуничилик пропа-ганда қилиш жамоатчилиги Со-вети навбатдаги қабулини ў-тказди. Шу кўни облат Совети ижроия комитети раиси Ш. Усмонов меҳнаткашларни турли масала-лар бўйича қабул қилди. Тошкент шаҳридан Улуғ Ва-тан уруши қатнашчиси Т. Рус-тамов пенсия таянчли маса-ласида, Янгийўл шаҳридан П. Соҳибов қаватига, Урта Чир-чик район Тўйтаев шаҳрида яшовчи М. Ҳўжаев фойдала-нилмаган меҳнат оспускиси, яна шу райондаги Янгийўл посёлкисидан қаҳрамон она А. Умурзоқова пенсия маса-ласида мурожаат қилишди. Шу

кўни қабулга 14 киши кирди. Қабулга келган бошқа ўртоқ-лар халқ судлари томонидан чиқарилган айрим ҳўкмларни шарҳлаб бериш, меҳнат инва-лидларига яратилган кейинги имтиёзлар ва бошқа ўзларни қизиқтирган масалалар бўйича мурожаат қилишди. Уларнинг ўн нафари қабул вақтида ўз савол ва талабларига амалдаги қонун-қондаларга асосан жа-воблар олишди. 4 нафар ки-шининг аризаси алоҳида тек-шириб, ҳал этиш учун тегишли ташкилотларга ҳавола қилин-ди. Масалалар узин-кечиси ҳал бўлгач, натижаси ариза берган ўртоқларга маълум қилинади.

Жамоатчилик Советининг навбатдаги қабули 3 декабрь чоршанба кўни ўтказилди.

СУВ ТАГИДАГИ ҲАЗИНА

ГАВВОСЛАР 1622 йилда Флоридда қирғоқларида қеттик шамол туфайли ҳалокатга уч-раган испан кемасининг қол-диқларидан қиймати бир неча миллион доллар бўлган 2300 га яқин зумрад топишди. Сўвга қўйиб кетган бу хазинани кўте-риб олаётган мутахассислар-нинг фикрича бозар бун зум-радлар жуда яхши сақланган. Улар қимматбаҳо тошларнинг умумий миқдори 3 минг бир-ликдан ҳам ошиб кетади деб ҳисоблашмоқда. Бундан ташқа-ри, гаввослар жуда кўплаб ол-тин ва қумуш тангалар, тилла-дан ясалган буюмлар ҳам то-пишди. Мазкур хазинанинг умумий қиймати 4 миллион доллардан зиёд деб баҳолан-моқда.

ТҮРТ ОЕҚЛИ ҒАМХҲҲҲҲ

ИТ — одамнинг энг содиқ дўсти, деган кўна ҳақиқатни янгидан тасдиқловчи ҳодиса

ҲАР ТҮҒРИДА

яқинда Американинг Кидис-вил шаҳарчасида (Мэриленд штати) содир бўлди. Икки ёшли Син Рейнини ота-оналари тўрт оёқли дўстлар назоратида қолдиришган эди. Кичикинтой қандайдир йўл билан кўчага чиқиб кетди. Ҳар нарсасга қи-зиқиб қараш бун шаҳар чекка-сидиги қатта йўлга олиб чиқди. Бахтсизлик ҳар қандай дақиқа-да содир бўлиши мумкин эди. Бунинг устига ҳаво ҳарорати ноль даражадан сал баланд, бола эса енгил кийимда эди. Кичикинтойнинг ота-онаси уйга қайтиб, ўғилчаларини топиш олмагач, зудлик билан поли-цияга мурожаат қилдилар. Фа-қат тўрт соат қидирувдан сўнг бола уйдан бир ярм кило-метр узоқликдаги йўл ёқси-дан топилиди. Уй эгаларининг тўртта қучуғи кичикинтойнинг атрофига ғуж бўлиб олиб, уни ўзларининг тафтилари билан иситишарди. «Бу ахир одатда